

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАЎзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари депутат Р. САХИБОВЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессиясидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бир қанча Фармонлар қабул қилди, бу Фармонлар республика- миз Конституциясига мувофиқ, Олий Совет тасдиқига киритилди.

Ана шу Фармонлар ҳақида сиз- ларга доклад қилиш менга топ- ширилди.

Шу ўтган давр ичида давлат бошқарув системасида баъзи ўз- гартириш қилинди.

Чунончи, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг «СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиоэшиттириш ва телевиде- ние комитетининг ССР Министр- лар Советининг иттифоқ-рес- публика Телевидение ва радио- эшиттириш давлат комитетига айлантириш тўғрисида» шу йил 12 июлда чиқарган Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1970 йил 30 июлда «Ўзбекистон ССР Министр- лар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети- ни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқ-республика Телевидение ва радиоэши- ттириш давлат комитети қилиб қай- та тузиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Бу Фармон тасдиқлашнинг му- носабати билан Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қону- нининг) республика ҳукумати составини белгилловчи 48-модда- сига тегишли ўзгариш киритиш зарур бўлди. Бу масалага оид Қонун лойиҳаси ҳаммагизга бе- рилган.

Ўтган давр мобайнида Олий Совет Президиуми республика- нинг амалдаги қонунарига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритди.

Давлат ёки жамоат мулкни оз- миқдорда талон-торож қилганлик учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадида республика Олий Со- вети Президиуми 1970 йил 24 сентябрда ушбу Фармон қабул қилди.

Чунончи, «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, Кодекснинг 114-моддаси янги тахрирда ба- ён қилиниб, давлат ёки жамоат мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, хизмат вази- фасини суистеъмол қилиш ёки фи- риобгарлик йўли билан оз миқ- дорда талон-торож қилганлик, агарда бундай хатти-ҳаракат дав- лат ёки жамоат мулкни ёхуд граждандарнинг шахсий мулкни талон-торож қилганлиги учун ил- гар ҳам жавобгарликка тортил- ган шахс томонидан содир этил- са, — икки йилгача мuddатга озолиддан маҳрум қилиш ёки бир йилгача мuddатга ахлоқ ту- затиш иши билан, ёхуд юз сўм- гача штраф солиш билан жазола- нади, деб белгиланган.

Шу Фармонга буювон Кодекс- нинг 114-модда билан тўдрили- лад, давлат ёки жамоат мулк- нинг талон-торож қилинишининг олдин оиди чораларини кўрма- гаи қорхона, муассаса ва ташки- лот раҳбарлари жавобгарликка тортилиши қатъийлаштириш қў- йилди. Бу моддага кўра, халқ бойлигини талон-торож қилишга қарши кураш олиб бормовчи ман- сабдор шахслар жиноий жавоб- гарликка тортилиб, бир йилгача мuddатга озолиддан маҳрум эти- лади ёки шу мuddатга ахлоқ ту- затиш иши билан жазоланади- лар ёхуд вазифасидан бўшатил- лар. Ўшунинг билан қорхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг масъулияти анча ошариладики,

бу ҳол шубҳасиз, давлат ва жа- моат мулкни талон-торож қил- гиш фактларини қаматириш ва йўқотишга имкон беради.

Республика Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча кирити- лганлиги муносабати билан Ўзе- бикистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг жиноят ишнинг қў- риш қайси тергов органига таал- луқли эканлигини белгиллаб бе- рувчи 108-моддасига ҳам тегиш- ли ўзгариш киритиш ҳақида Фармон қабул қилди.

Шу билан бир вақтда давлат ёки жамоат мулкни оз миқдор- да талон-торож қилиш биринчи марта содир этилганлиги учун жавобгарлигини кучайтирувчи Фармон ҳам чиқарилди.

Бу Фармон билан шу нарса белгиллаб қўйилдики, давлат ёки жамоат мулкни биринчи марта оз миқдорда талон-торож қилган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиб, ўн суткада ўн беш суткагача мuddатга қамалга оли- нади,лар ёки иш ҳақидан йигирма процент ушлаб қилиш шарти би- лан бир ойдан то икки ойгача мuddатга ахлоқ тузатиш ишига тортилади, ёхуд уларга Ғи- ссудан ўттиз сўмгача штраф со- линади ёкики жамоат тасири қўратиш чоралари қўлланилади.

Шу Фармонга буювон, бундай номиқ хатти-ҳаракат қилган шахслар тўғрисидаги материал- лар содир қилинган шу ҳаракат- нинг хусусияти ва қонуибузар- нинг шахсини ҳисобга олиб ту- риш, ички ишлар органи бошлиғи томонидан маъмурий жавобгар- ликка тортиш учун судга ёки жамоат тасири қўратиш чора- лари қўллаш учун ўртоқлик су- дага юборилади. Фармон давлат ёки жамоат мулкни оз миқдор- да талон-торож қилганлик тўғ- рисидаги материалларни судга қў-

риш тартибини, қамалганларнинг жазо мuddатини ўташ шартлари- ни ва шундан ҳаракат учун маъ- мурий жавобгарликка тортишга тааллуқли бошқа масалаларни ҳам бериб беради. Бу маса- лалар хусусидаги Қонун лойиҳа- лари сизларга берилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети- нинг еттинчи сессияси билан ҳо- зирги сессиясиз ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССР Министрлар Со- вети Раисининг тақдимида буювон республика Ҳукумати составида баъзи бир ўзгаришлар бўлди.

1970 йил 8 июлдаги Фармон билан Ўзбекистон ССР Олий Со- вети Президиуми ўртоқ Сайд Шермухамедовни Ўзбекистон ССР Маориф министри қилиб тайинлади.

Шу йил 28 июлда қабул қи- лingan Фармон билан ўртоқ Ориф Ҳакимов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси қилиб тайинланди. Айни вақтда Олий Совет Президиуми ўртоқ Муҳитдин Исамуҳамедовни пенсияга чиқ- қанлиги муносабати билан Ўзе- бикистон ССР Министрлар Со- вети Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети- нинг ана шу Фармонлари тас- диқлаш тўғрисидаги Қарор лойи- ҳаси ҳамда С. Шермухамедов ва О. Ҳакимов ўртоқларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти тўғриси- даги сарфалар ҳам сизларга тарқатилган.

Республика Олий Совети Пре- зидиуми сизлардан энди қилин- ган ана шу масалалар бўйича тегишли Қонуналар ҳамда Қарор қабул қилишнингизни сўрайди. (Қарсақлар).

ПАРРАНДАЧИЛАРИНИНГ
ЯНГИ МАРРАСИ

(Боши биринчи бетда)

Ҳар гектар ердан пладдаги 150 центнер урнига 200 центнердан антаминга бой бўлган хашаки ко- доқ хосили олинди. Паррандалар- нинг витамин, ҳом протени, макро- ва микро иқлимларини ҳисобга олиб туриб тузилган рацион асо- сисда боқилиш, ветеринария-сани- тария талабларига риоя қилиб бо- қиш ҳисобига донни сарфлаш 24 процент қаматирилди, биринчи категориядаги тухум сотиш 40 процентгача етказилди. Парран- даларни боқилиш ва сугоришда, қийини тозалашда механизация- ни жорий қилиш меҳнат ҳаража- тини 5 процент, тухум таннарни- ни пладдагидан 15 процент қа- майтириш имконини берди.

Паррандаларнинг махсусдорли- гини ошириш ва ҳаммасини тула сақлаб қолиш юзасидан план қўрсаткичларининг ошириб бажари- лилиши, паррандаларни боқилиш ва меҳнат сарфлаш ҳаражатлари- ни, махсусдор таннарини қамай- тириш ҳисобига ишчилар билан хизматчиларнинг реал иш ҳақи- ни 10 процент қамайди.

Паррандачиллик фермаси кол- лектив КПСС XXIV сессиянинг муносиб кутуб олиш учун бутун- иттифоқ социалистик мусоба- сига қўшилиб, йил охиригача пладдан ташқари ўн миллион донга тухум етиштириш ёки йил- лик топширишни 150 процент қилиб бажариш, 60 тонна парран- да тушти етиштириш ёки пладни 110 процент қилиб бажариш маж- буриятини олди. Тухум қилмаган

ҳар бир товукдан пладдаги 155 донга урнига 185 тадан тухум ола- мида, паррандаларнинг йил охи- рига қадар 99,5 проценти, жуз- ларининг 92 проценти сақлаб қо- линишини таъминлаймиз. Дон, меҳнат сарфини қўшимча ра- вишда қаматиришимиз, тухумнинг таннарини 5 процент, парранда- густининг таннарини 10 процент қамайтирамиз. Эришилган му- ваффақиятлар бизнинг ҳисоби- тобимизга кўра, молия хўжалик йилини пладдаги 367 минг сум урнига 1 миллион 200 минг сум фойда кўриш билан аяқулаш им- конини беради.

Эришилган муваффақиятлар бизни қувватлантирди, бу муваф- фақиятлар оширилган мажбурият олиш имконини беради. Биз 1971 йилнинг биринчи кварталда ту- хум етиштиришнинг ту йилнинг ана шу давридагига нисбатан 3,5 мил- лион донга ёки 58,3 процент, пар- ранда тушти етиштиришнинг 30 тон- на ёки 20 процент қўлайтирамиз, тухум қилмаган товуклардан ту- хум олинди 12 донга ёки 31 про- цент қўлайтирамиз. Паррандалар- нинг 99,7 проценти, жузларининг 95 проценти сақлаб қолинишига эришамиз.

Биринчи кварталда меҳнат, дон сарфининг ва таннарининг яна- да қамайишига эришамиз, шунинг- дек сотиладиган махсусдор сифат- тининг оширилишига эришамиз: биринчи категориядаги тухумни 15 процент ва биринчи сорт пар- ранда тушти 20 процент қўлай- тирамиз.

Қадри ўртоқлар! Паррандачи- лик фабрикаларининг республика- даги бошқа паррандачиллик фаб- рикаларидан сира фарқи йўқ. Биз кўла қиритган натижаларга ижтисолаштирилган саноат пар- рандачиллигининг барча қорхона- лари эриша олади.


Кўпчилик қолдоқлар ва совхоз- ларнинг паррандачиллик ферма- лари бу йил план қўрсаткичларини ошириб бажариш учун реал им- кониятларга эга.

Ҳозир, ўртоқлар, паррандачи- ларнинг 1971 йилда ривожлантириш ва махсусдорлигини ошириш тўғ- рисида айни уйландиган пайт. Биз янги йилда тасдиқланган тех- нология асосида ишлашга, фабрика- да микро иқлимга, ёруғлик ре- жимига, зооветеринария ва сани- тария қондаларига қатъий риоя этишга аҳд қилдик. Парранда- ларга бериладиган озуқанинг сифа- ти ўстидан назоратни кучайти- рамиз. Озуқани сарфлаш ва мах- сулот етиштиришнинг дастлабки ҳисобиктобни яхшилаيمиз.

Биз республиканинг бар- ча паррандачиллик ҳодимла- рини ишлаб чиқариш аҳоли- ларига яна бир марта чуқур ўйлаб кўришга, бор резерва ва имко- ниятлардан фойдаланишга, КПСС XXIV сессиянинг муносиб кутуб олиш учун янги марраларни бел- гиллаб олишга ва шу марраларни эғаллаш учун курашга чақирамиз.

МАЗКУР ПАРРАНДАЧИЛИК ФА- БРИКАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ УМУМИЙ ИЙГИЛИШИДА МУҲИ- МАМА ЭТИЛИБ, ЯҚИНЛИК БИ- ЛАН МАЪҚУЛЛАНГАН.

БУГУН — МАШИНАСОЗЛАР КҮНИ



Суратда: Тошкент трактор заводидаги бош конвейердан ўн мингчи юбилей трактори тушиш- ни кузатиш. А. Горюхкин фотоси. (ТАСС фотохроникаси)

ЎЗБЕКИСТОН
МАШИНАСИ

Ўзбекистон машинаси! Уни Ўзбекистон ва Озарбайжон, То- жикистон ва Туркманистон пахта- зорларида, Жазоир ва Миср, Афғонистон ва Покистон дала- ларида, мамлакатимиз ва чет эл- лардаги қўлаб тўқимачилик қорхоналарида унрамаз. Бир замонлар мола ва кетмон тайе- рлаш учун ҳам дурустроқ қорхо- наси бўлмаган ўзбек дёғри энди- ликда мамлакатимизнинг ин- дустрал марказларидан бири- га айланди. Бу ерда Совет хо- кимати йилларда бунёд этил- ган йирик машинасозлик ва ме- таллни қайта ишлаш қорхона- лари замонавий ускуналари ва иш- лаб чиқарувчи махсусдорлар- нинг сифати жиҳатидан Итти- фокимизда олдинги ўринлардан би- рига чиқиб олди. Республикада машинасозликнинг хилма-хил тармоқлари ажууда келтирил- ди. Кишлоқ хўжалик, тўқимачи- лик, пахта тозалаш, ирригация, йўл-қурилиш машинасозлиги тар- моқлари, айниқса барқ уриб ривожланди. У республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг замонавий техника билан таъминлашда кат- та роль уйнапти.

Республика қорхоналарида яратилган аjoyиб кишлоқ хўжа- лики, тўқимачилик ва ирригация машиналари қўлаб халқроқ вис- таваларда қўрсатилиб, жаҳон жамоатчилигининг юксак таъси- рига сазовор бўлди. Бир неча марта олтин медал билан тақ- дирланди.

Айниқса бизда кишлоқ хўжа- лики машинасозлиги тез сўра- тлар билан ривожланмоқда. Бу тармоқ республика машинасо- злиги ишлаб чиқарувчи махсус- дорнинг 30 процентдан ортигини беради. Маъмур машинасо- злик тармоғининг тараққийи шундан ҳам кўриш мумкинки, агар 1924 йилда республика да- лаларида ҳаммаси бўлиб 39 та трактор ишлаган бўлса, ҳозирга келиб дехқонларимиз 130 миң- дан ортиқ трактор, 30 миңдан ортиқ пахта териш машинаси, 10

миң комбайн ва шунча ер қа- зилиш машиналарига эга. Булар- нинг ҳаммаси машинасозлари- мизнинг фидокорона меҳнати туфайли яратилган. Эндilikда ана шу муқаммал машиналар дехқонларимиз оғирини енгил қилпти, пахтачиликда ва киш- лоқ хўжалигининг бошқа соҳа- ларида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини берди.

Игирмачи йилларнинг охири- да республикада биринчи киш- лоқ хўжалик машинасозлигининг туғилиш қорхонаси — «Ташель- маш» бунёдга келтирилган эди. Ҳозир бўлса 7 та кишлоқ хўжа- лики машинасозлиги қорхоналари ишлаб турибди. Булар орасида Тошкент трактор заводи, «Ташсель- маш», «Ўзбексельмаш», «Красный двигатель» сингади қорхоналар республикамиз саноатининг бай- роқдорлари саналадилар. Бу за- водлар замонавий техника билан қўролланган бўлиб, юқори маалаки ишчи ва инженер-тех- ник ҳодимларга эга.

Авалги «Ташельмаш», ҳозир эса Тошкент трактор заводи но- мин олган қорхонанинг доғруғи бутун мамлакатимизга кетган. Қорхонада янги техника ва ил- гор технология моҳирлик билан ишлаб чиқаришга жорий этил- моқда. Бу ерда янгиликка ишти- лок кучли. Пландиришнинг ва ижтисодий раёбатлантиришнинг янги системаси термочил қато- ри орасида биринчи қатори жорий этилган. Шу туфайли қорхона барча техникавий-икти- содий қўрсаткичлар бўйича то- шириқларини ошириб бажаряпти. Маъмур ССР трактор ва кишлоқ хўжалик машинасозлиги қорхо- налари орасида олдинги ўрин- лардан бирига чиқиб олди.

Янги система жорий этилган, махсусдор ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш 2,6 марта ош- ди. Даромад ҳам ортиб борди. Чунончи агар 1966 йилда да- ромад ҳаммаси бўлиб 1,466 миң сўмни ташкил этган бўлса, бу йилнинг фақат биринчи ярми

йилдаёқ у 2,502 миң сўмга ет- ди. Бу эса моддий раёбатланти- риш фондини анча оширишга имкон беради. Масалан, 1967 йилда моддий раёбатлантиришга 962 миң сўм ажратилган бўлса, бу йил 2,3 миллион сўм ажратил- ди.

Шу йилнинг биринчи кварта- лдан бошлаб қорхонада «Т- 28-4» маркали трактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги фақат завод тарихидагина эмас, балки республикамиз халқимиз катта воқеа бўлди. Эндilikда қорхона пахтакорлар учун жу- да зарур бўлган тракторларни бор- ган сари қўлқоп ишлаб чиқара бошлайди. Бу ерда янги-янги қувватлар ишга тушади.

Ташельмашчилар айниқса КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумидан кейин соци- алистик мусобақани янада авж олдириб юбордилар. Қорхона коллективининг плениумдан ке- йин бўлиб ўтган йилги ишда ян- ги, оширилган мажбурият олин- ди. Машинасозлар беш йиллик пладни 12 декабрда бажариш ҳамда пладдан ташқари 2,5 мил- лион сўмлик махсусдор ишлаб чи- қаришга сўз бердилар. Шунинг- дек улар бутунрича нисбатан пахта териш машинасининг 820 донга кўп тайёрлаб, пахтакорлар- га инъом қилиш ниятида, Та- шельмашкорлар меҳнат унумдор- лиги бўйича топириқларини 2,5 процентга ошириб бажариш, пладдан ташқари ярим миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

Республикамизнинг бошқа ма- шинасозлик қорхоналари кол- лективлари ҳам уш баърамлари- ни меҳнатда, мамлакатга қўлаб юқори сифатли, муқаммал маши- налар етказиб беришда улкан ютуқлар билан кутуб олмақ- длар. Улар КПСС XXIV сессия- да шарафига янги-янги меҳнат со- галари тайёрлаш фикри-зикри билан яшамоқдалар.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
«ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАДИО-
ЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИТТИФОҚ-
РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЭШИТТИРИШ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҚИЛИБ ҚАЙТА ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ
ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР
КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 48-МОДДАСИГА
ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат
комитетини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқ-рес-
публика Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети қилиб
қайта тузиш тўғрисида» 1970 йил 30 июлда чиқарган Фармони
тасдиқлансин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий
Қонуни)нинг 48-моддасида «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг Раиси»
деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва
радиоэшиттириш давлат комитетининг Раиси» деб ўзгаририлсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

25 сентябрь, 1970 йил,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ГАЗЛАШ-
ТИРИШ БОШ ВОШҚАРМАСИНИ ТУЗИШ ҲАМДА ЎЗБЕ-
КИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ
48-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Газлаштириш бош
вошқармаси тузилсин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий
Қонуни)нинг 48-моддасида «Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг
Илдий-техника таъминоти» бош вошқармаси бошлиғи» сўзларидан
кейин «Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Газлаштириш
бош вошқармаси бошлиғи» сўзлари бидан тўдирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

25 сентябрь 1970 йил,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОННИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР
Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида» 1970
йил 24 сентябрда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

25 сентябрь, 1970 йил,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ
108-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ
ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР
Жиноят-процессуал кодексининг 108-моддасига ўзгаришлар ки-
ри- тиш тўғрисида» 1970 йил 24 сентябрда чиқарган Фармони тасдиқ-
лансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

25 сентябрь, 1970 йил,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
«ДАВЛАТ ЕКИ ЖАМОАТ МУЛКИНИ ОЗ МИҚДОРДА
ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ
КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОННИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ёки жа-
моат мулкни оз миқдорда талон-торож қилганлик учун жавобгар-
лигини кучайтириш тўғрисида» 1970 йил 24 сентябрда чиқарган
Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

25 сентябрь, 1970 йил,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТ АЪЪОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА
ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ГИ
ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети
қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:
Ўртоқ Сайд Шермухамедовни Ўзбекистон ССР маориф министри
қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1970 йил 8 июль Фармони;
Ўртоқ Ориф Ҳакимовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг Раиси қилиб тайинлаш тўғ-
рисидаги 1970 йил 28 июль Фармони;

Ўртоқ Муҳитдин Исамуҳамедовни Ўзбекистон ССР Министрлар

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИННИНГ МУҲИМ БОСКИЧИ

TACC ахбороти

«Луна-16» автомат станцияси парвозининг якунларига доир

Совет космик фани ва техникаси янги фан-техника проблемасини муваффақиятли равишда ҳал этди. Космонавтика тарихида биринчи марта автомат аппарат Ер—Ой—Ер ўртасида сафар қилди. Ой янсининг намуналарини Ерга олиб келди. Совет «Луна-16» автомат станцияси Ойни ва Ой атрофидаги фазонинг илмий-техникавий тадқиқ этиш программасини батамом бажарди.

Бу вазифани амалга ошириш техника жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, конструкциянинг ҳамма элементлари, борт системалари, Ердан кузатиш ва бошқариш воситалари пухта ва беҳисобан ишлатилиши, автомат станция парвозининг ҳамма босқичларида мутахасссларнинг аниқ ҳаракат қилишлари ва таъминламоқ учун олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчилар коллективларининг зўр гайрат билан иккунли ишлатилиши талаб қилди.

Космосдаги нобъ эксперимент бир неча босқичда ўтказилди.

Станция 1970 йил 12

сентябрда Ой томон парвоз қилди. 17 сентябрь кунини селеноцентриқ доирасимон орбитага ўтказилди. Ой атрофидаги фазода маневр қилиш натижасида станция эллипсимон орбитага ўтиб, 20 сентябрь Москва вақти билан соат 8 дан 18 минут ўтганда шу орбитадан Ой сатҳига «серобик денгиз» районида оқсига.

Станция қўнгандан кейин Ердан берилган команда кура, махсус конструкциянинг тупроқ йиғиб олувчи қурмаси Ойни парладиб, ундаги жинслардан намуналар олиб, Ерга қайтариб туширилган аппаратнинг герметик контейнерига автомат равишда юзлаб қўйди.

Станция Ойда 26 соат 25 минут турди. Шу вақт ичига тупроқ йиғинтириб олишдан ташқари ҳарорат, ва радиация ўлчовлари ўт-

казилди. станция қўнган жойининг координатлари аниқланди, станция борт системалари ва агрегатларининг қандай ишлаётганлигини текшириб қўрилди. станция қўнмиш ўқининг маҳаллий вертикалга нисбатан қандай аҳролда эканлиги аниқланди. Навбатдаги алоқа сеансларида станцияга Ойдан учини программаси берилди.

1970 йил 21 сентябрь Москва вақти билан соат 10 дан 43 минут ўтганда космик ракета Ерга қайтариб туширилган аппарат билан бирга станциянинг қўнмиш босқичдан парвоз платформаси тарикасида фойдаланиб Ойдан кўтарилди.

«Луна-16» станцияси космик ракетасининг Ой сатҳидан автоматик тарзда парвоз қилишини бажармоқ учун принципал жиҳатдан янги вазифалар комплексини ҳал этишга тўғри келди. Станцияни парвоз қилдириш ва Ернинг мулкларига қўнмиш раёони қўнмиш таъминловчи ҳисоблаб қўйилган баллистик траекторияга чиқариш учун Ойга қўнмиш вақтининг аниқ белгиланиши ва актив участка охирида зарур таъминлаш лозим эди. Ана шу вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Ой—Ер трассасидаги парвоз жараёнида Ердаги команда-ўлчов комплекс воситалари ёрдамида космик ракета парвозининг траекторияси ўлчаб турилди ва

у Ерга қўнмиш сари қайтариб туширилган аппарат қўнмиш жойининг координатлари аниқланди.

24 сентябрь кунини «Луна-16» станциясининг космик ракетаси иккинчи космик тезлик билан Ерга қайтариб туширилган аппарат атмوسفерага киришдан олдин космик ракетадан ажратилди, у атмوسفеранинг зич қатламларига кириб, баллистик траекторияга бўйлаб парвоз қилди. Аэродинамик тормоқлашдан кейин парашют системаси ишга солинди ва ичига Ой тупроғи солинган аппарат оқсига тасайиб, Совет Иттифоқининг 12 сентябрь кунини учуручи ракета учирланган космодромига яқин ҳисоблаб қўйилган раёонга қўйди.

«Луна-16» автомат станцияси парвозининг ҳамма босқичлари Ойга учиб бориш ва Ой атрофи орбитага бўйлаб учиб юриш, Ойга қўнмиш, Ой тупроғидан намуналар олиш, Ойдан парвоз қилиш ва Ерга қайтиб келиш босқичлари программасида ва ҳисоблаб қўйилган маълумотларга мувофиқ ўтди.

Радиолокация станциялари ва авиация воситалари билан курулланган қидирув хизмати «Луна-16» станциясининг ичига Ой тупроғи намуналарини солинган аппаратнинг тез топиш ва лозим бўлган жойга олиб боришни таъминлади.

Соат 8 дан 10 минут ўтганда аппарат Ер атмوسفерасининг зич қатламларига кирди.

Соат 8 дан 14 минут ўтганда Ерга қайтиб тушган аппарат передатчининг сигнали пайқаб олинди ва

унинг парашютида қандай тушганлиги қидирув хизматининг вертолётлари ва самолётларидан бемаълот кузатиб турилди.

Соат 8 дан 26 минут ўтганда аппарат Ерга қўнди.

Ерга қайтариб туширилган аппарат Москвага келтирилган. Ой тупроғи жойланган капсула контейнердан олинди, бу иш махсус шаронгларда зарур даражадаги эҳтиёткорликка риоя қилинган ҳолда бажарилди. Тупроқ намуналарини карантин қилиб қўйилди ва махсус ишлаб чиқилган программасида биоаналитик тадқиқ қилмоқ учун СССР Фанлар академиясининг институтлари берилди.

Ича бир космик эксперимент тўғрисида. Космик фазонинг тадқиқ қилинида биринчи марта Ой тупроғининг намуналарини автомат аппарат ёрдамида Ерга келтирилди.

«Луна-16» станциясининг парвози совет фани ва техникасининг буюк муваффақиятидир. Бу муваффақият самовий жинсларни автомат аппаратлар ёрдамида мухталиф илмий тадқиқ қилмоқ учун янги катта имкониятлар очиб беради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 8.55 — Программа. Рус тилида: 10.00 — Мультифильм. 10.20 — «Уйлаб топ», 10.50 — «Оқариб турилар элган елкан» (бадний фильм). Ўзбек тилида: 12.15 — «Она-Ватан», 13.15 — «Донра» (бадний фильм), 14.10 — «Биринчи ҳарим билиши наран», 17.00 — Машинасозлар кунига бағишланган кўрсатув, 17.30 — Концерт, 18.00 — «Ахборот», 18.30 — «Ешлик», «Ҳазалхон ёшлигим», 19.20 — Хушхат булинг (такропий кўрсатув). Рус тилида: 20.00 — Пошахатчида меҳмонлари. Та. нафус вақтида «Ахборот». Ҳ. ден тилида: 22.00 — КПСС XXIV съезди шарафига, 22.20 — «Польшада музикали учрашувлар».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА. 12.00 — Программа. 12.05 — Гимнастика, 12.30 — Механика муобасаси, 13.00 — Машинасозлар кунига бағишланган кўрсатув, 13.30 — Музикали программа, 14.15 — СССР ҳалқлари итласи «Тоғли—Олтой Автоном области», 14.45 — «Қўла тушмас касоскорларнинг янги саргузаштлари» (бадний фильм), 16.05 — Хушхатли фильм, 16.25 — «Санъат оламида», 16.55 — Янгиланган, 17.00 — Музикали кўрсатув, 18.00 — Хоней, «Химия» (Воскресенск) — «ДИНАМО» (Москва), 20.35 — Концерт, 21.00 — Янгиланган, 21.05 — Киносекатчилар клуби, 22.00 — Тележурнал, 22.30 — «Ҳар бир километр» (12-серия), 23.40 — «ВАКТ».

УЧУНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе телестудиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IX да Умид маина ва етти баҳодир ҳақида эртан (кундуз). Анда (кечкуру).

«ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IX да Мирзо Улуғбек (кундуз). Олтин девор (кечкуру).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРНИДА — Совет Иттифоқи ва Болгария цирки усталирининг хайрашув гастроллари. Ургатилин арслонларнинг катта аттракцион, Ургатилин — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР БОРИСОВ. (Томошлар кеч соат 8 да бошланади. Шаба кўрсатил: кундуз соат 3, кеч 8 да; яшанба кўрсатил: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томошалар кўрсатилди).

КИНО

Ишчи бинада

Асуна, бекато оти — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкуру).

Анупама — «САНЪАТ САРОВИ «СПУТНИК» (кундуз ва кечкуру). Колонна — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкуру).

Виннету — апацлар йўлбошчиси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфут соатларда).

Учинчи ёшлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Сайха — Навоий номли (кундуз ва кечкуру).

Отанинги сафари — «ВОСТҚ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкуру).

Жиноят ва мазо — «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

Парад-алле — «ЧАЙКА» (эралаб соат 10, кундуз 3.15, ва 8.30 минутларда).

Елги бинада (кеч соат 8.20 ва 10 да)

Асуна, бекато оти — «ФЕСТИВАЛЬ».

Колонна — «ХИВА».

Резидентнинг тақдир — ТЕЛЪ МАН НОМЛИ.

УРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА

(Я. Колас кўчаси, 24 уй) илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш учун электр ускуналари, автоматна ва телемеханика бўйича инженерлар ва техниклар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жаллаштириш ва информатив қилиш бюроси, ҳамда район бирояа комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

28 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 да Афғонистон терма командаси — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол бўйича


ХАЛҚАРО УРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Билетлар сотилмоқда.

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОНЛАР



Ойи. — Айниқса, бу гап аниқ ишонгга олишди-да...



Ойхондан соғам...



Интервью: — Ерлинларга иккинчи оғиз сўз айтиб юборсангиз,



Юз кўраш... А. Холимов чизган расмлар.

КПСС Марказий Комитетининг тақлифига биноан мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Франция Компартияси делегацияси республикамизда бир неча кундан буюн меҳмон бўлиб турибди. Делегация Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Пьер Сотюра бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига қабул қилинган. Тошкент туқимачилик комбинатида бўлиб, корхона партия ташкилотининг оммавий-сиёсий ишларини қандай қўлга қўйганлиги билан тақдирланди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Норқўзиев меҳмонларини қабул қилиб, янги Тошкентнинг мам-

лакатимиздаги қон-қардош халқлар кўмағида қандай типлангани ҳақида гапириб берди. Меҳмонлар В. И. Ленин номи Марказий музейнинг Тошкентдаги филиалини бора қуришди, Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Ўзбекистон тарихи музейида бўлишди.

Франциялик меҳмонлар Тошкент областидagi «Полит-отдел» колхозига бориб, у ерда пахтакорларнинг меҳнатини, турмуши билан тақдирланди, партия ташкилотининг фаолияти билан қизиқилди.

Сўраб: Франциядан келган меҳмонларнинг Тошкент туқимачилик комбинатида бўлиши.

Р. ШАМУДДИНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

АБДУРАИМОВНИНГ ЖАВОБ ТУПИ

«Пахтакор» сентябрь ойида ўтказган сафар ўйинларининг сўнггида пойтахт спартакчилари билан куч синишди. Эсинида бўлса, футболчиларимиз «Спартак» билан ўтказилган биринчи даража ўрашувидан ҳисобини (2:2) дураин қилишган эди. Кизини шунданки, ҳал қилувчи иккинчи даражада ўрашган бу командаларнинг ўйини яна жанговар дураин бўлиб туғди.

Командамиз сафарда ўтказилган тўрт ўйиндан икки очко олди. Бунда мухлисларни ажаблантирган нарсас, ўйинчиларимизнинг пойтахтнинг кураги ерга тегмас командаларидан «Динамо» ҳамда «Спартак» билан ўрашувда тенг куч сарфлашгани ҳолда кутилмаганда хозиргача ўзларини ўнглаб олмаётган донеклик ва ленинградлик футболчилардан осонгина меҳмонларга учраганилики бўлди.

«Пахтакор» чемпионат якунигача бошқа командалар қатори яна олти ўрашув ўтказиши лозим. Футбол мутахасссларининг ҳисобларига кўра, командаларнинг олий лига билан хайрлашмасликлари учун ўртача 25-26 тадан очко тўлашлари зарур. Демак, пахтакорчилар яна камид 3-4 очкони қўлга киритиш учун куч сарфлашларига командалар берилган номини шарафлаган бўлади.

Энди ўйин тафсилотларига келсак, пахтакорчилар ўтган йилги чемпион билан учрашувни кутарини рўхда ўтказдилар. Жануфусгача спартакчилар ҳуқуқига куч бериб, ҳисобини очига уридилар. Меҳмонлар эса мудофаяни мустаҳкамлаб, майдон эгалари ҳужумини бартараф қилишга эришилди. Пахтакорчиларнинг дедил тўп ошир-

ишлар билан бошлаган навбатдаги ҳужумида Абдураимов Кавказшвили дарвозасига ҳаф солади.

Ҳисобни танефусдан кейин, 56-минутда спартакчи Абрамов очди. Ўйин кескин тўп олади. Фақат мудофая билан чекланган футболчиларимизнинг бери бораётган имкониятларидан фойдаланишга уринган майдон эгалари ҳужумига ҳатто ҳимоячилар ҳам қўмақлашдилар. Меҳмонлар ҳимоясининг сусайганини кўрган пахтакорчилар эса, ташаббусини қўлга олиб, қарши ҳужумга ўтадилар. 73-минутда майдон марказидан Патрикеев оширган тўпни Абдураимов чақдест-ли билан дарвозага йўллабди: ҳисоб—1:1. Шундай қилиб, пахтакорчилар мохир ҳужумининг ягона жавоб тўпи билан командамиз оқини тенг бўлиб олишга муваффақ бўлди. Шу кунги «Нефтичи» — «Шахтёр» ўрашувини 2:1 ҳисобидан ўтди. Ўйинлар жадавалининг бугунги кўриниши мана бундай:

«Динамо» М	25	39—17	34
«ЦСКА»	24	37—15	32
«Спартак» М	26	39—21	32
«Заря»	25	25—20	30
«Динамо» К	24	32—20	29
«Торпедо» М	24	25—25	27
«Нефтичи»	24	22—15	26
СКА Р	25	21—22	25
«Арсарат»	24	22—23	24
«Динамо» Ми	24	26—23	23
«Пахтакор»	26	18—38	22
«Зенит»	25	24—36	20
«Шахтёр»	25	26—45	20
«Торпедо» Кт	26	18—30	18
«Черноморец»	24	19—33	17
«Спартак» Ор	25	22—37	15

Жадавалда «Торпедо» (М) — «Динамо» (Ми) ўртасида ўтказилган кечаги ўрашув натижалари ҳисобга олинмади.

Ҳ. ХОСИРОВ

ГРЕЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

Париж, 26 сентябрь. (ТАСС). Шарқий Ўрта Денгиз райони ва Яқин Шарқдаги аҳвол муносабати билан «Ҳақиқат» овозини раёонистанцияси Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотини эшиттирди.

АҚШ империалистларининг ва тумашталарининг, аввало, Исроил раҳбарларининг кирдирувчи, кейин Сиёсий бюро, Яқин Шарқдаги вазиятни кескинлаштирмоқда. Греция коммунистлари, бутун грек халқини империалистларнинг фитнаси ва агрессияга қарши кураш олиб бораётган араб халқларига самийий хайр-хоҳлик ва бирдамлик туйғулари билан ана шу воқеаларни кузатиб турибдилар.

Сиёсий бюро Грециядаги ҳарбий плацдарн сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик учун халқини-хушёр бўлишга даъват этади.

Сиёсий бюро кейинги кўнлардаги баъзи воқеаларга — Америка ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларининг юборилиши ва тўпланишига, Грецияда ва Кипрда уларнинг ҳарбий қисмлари жангга шай қилиб қўйилганлигига, АҚШ ҳамда НАТО ҳарбий ва сиёсий арибодларининг яқинда Грецияда қилган сафарларига эътиборини жалб этди. Бу фактларнинг ҳаммаси, дейилди баёнотда, араб мамлакатларининг ишларига арашмоқ учун Грециядан база сифатида фойдаланаётганликлари кўрсатиб турибди.

Сиёсий бюро Грециядаги ҳарбий плацдарн сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик учун халқини-хушёр бўлишга даъват этади.

ҚОҲИРАДАГИ КЕНГАШНИНГ ҚАРОРИ

ҚОҲИРА. 26 сентябрь. (ТАСС). Иорданиядаги аҳволни муҳофиза қилиш учун Қоҳирага тўпланган араб давлатлари ва ҳукуматларининг бошқарилиши қаршилик қилишга қаршилик қилиш билан Фаластин қаршилик қилиш раҳбарлари билан музокара олиб бориш учун Судан революцион ҳукуматининг раиси Жафар Нимейри бошчилигидаги делегация аъзоси Аммонга юборишга қарор қилдилар. Кеча кечкурун Исроилнинг расмий вакили матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берган.

Делегация составида Тунис баш министри Бахи Лаҳдам, Араб социалистик иттифоқи Олий Ижроия Комитетининг аъзоси Ҳусайн аш-Шафий (Бирлашган Араб Республикаси), Саудия Арабистонининг вакили Решод Фирван, мудофая ва ички ишлар министри Саад Абдулло ас-Салим ас-Себоҳ, Миср армияси баш штабнинг бошлиғи Муҳаммад Содик ва Фаластининг овоз қилиш ташкилоти Марказий Комитетининг аъзоси Иброҳим Баир бодир.

Расмий вакил шунинг таъкидлаб ўтдики, араб давлатларининг бошқарилиши Иорданияга яна делегация юбориш тўғрисида қарор чиқариб, Иордания армияси билан Фаластин қаршилик қилиш ҳаракати Ойралиқ ўртасида ўтқиш тўхтатиш тўғрисидаги битим тезроқ қучга кириши зарур эканлигини чуқур ишонганликлари билдирдилар.

МЕН агентлигининг Аммон радиосига суғниб хабар беришча, араб давлатлари бошқарилиши делегацияси Аммонга келиши ва Иордания қаршилик қилиш билан музокараларини бошлади.

КАРАНТИН БЕКОР ҚИЛИНДИ

Астраханда медицина ходимларининг олаёти партия совет ва кассаба союзи-органлари ходимларини иштирокчи аниқ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Астрахан районида ва бо касалликларининг айрим кўринишларини тўхтатиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар якунланди. Йиғилишда сўзга чиққан СССР Союзининг сўғлиш министри В. В. Петровский, Астрахан областидан карантин бекор қилинганига маълум қилди.

Маълумоти август ойларининг бошларида Астрахан районида соғлиқни сақлаш органлари вабо билан касаллаш ҳолатларини аниқлаган эдилар. — деди В. В. Петровский. — Бир йил ой ичиде касаллик батомон тўхтатилди. Бунга қатъий чоралар қўрилганлиги, профилактика ва эшдемияга қарши чоралар аўдилик билан ўтказилганлиги тўғрисида аниқлаш шарафлариде ҳам аниқланган бўлиди касаллик ҳолатлари батомон тўхтатилди. (ТАСС).



ЛАОС, Самеа вилоятининг оёзд қилинган районларида: маҳаллий аҳоли фронт ичкарисига озиқ-овнат олиб боришга кўмаклашмоқда, ВНА—ТАСС фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Маъсул секретарь — 334455, Маъсул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назоратини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Сановат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Кишлоқ ҳўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332038, 331216, Фан, маънаф ва олий ўнвур турлари — 334451. Маҳаллий аҳборот ва спорт — 332347, Оқмавий ишлар ва хатар — 338679, 333553. Илтирош — 334524. Стенография — 337343. Корректур — 338142. Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 49—63, Бухоро 3—31—42. Қарши — 39—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 23—27, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—51.